


## Бомдоддан олдин кўп истиғфор айтинг!



04:00 / 13.08.2022 3662

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Албатта, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким «Астағфируллоҳал азийм аллазии лаа илааҳа иллаа ҳувал Ҳайял Қайюма ва атуубу илайҳи», деса, мағфират қилинади. Ҳатто урушдан қочган бўлса ҳам», деганларини эшитган экан».**

Дуонинг маъноси: «Ҳайй ва Қойюм бўлган, Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Улуф Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиламан».

Ушбу дуони бомдоддан олдин бир юз бир марта айтиб юриш тавсия қилинади.